

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.

ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳих: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишига руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

М.Исамиддинов

Қадимги Фарғона ва Суғд кулолчилигини ўрганишнинг айрим долзарб масалаларига доир 72

Б.Усмонов

Фарғона водийси Темурийлар даври тарихининг жаҳон темуршунослигига ўрганиши 77

Лианг Юн, Н.Камбаров

Қанғ маданияти ҳақида хитойлик олимларнинг фикрлари 81

О.Пуговкина

Туркистонда 1917 йил февраль инқилоби: Туркистонда "собиқ" империя амалдорларига бўлган ижтимоий эҳтиёж ва уларнинг сиёсий фаоллиги 90

А.Ўткиров

Хайрия ва ҳомийлик феномени илмий-назарий таҳлили 98

С.Хакимова

XIX-XX аср боши тарихий манбаларида Ўзбекистон ҳудудидаги сув ҳавзаларига оид маълумотлар 103

С.Анаркулов

Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолисининг этник тарихи ва таркиби ҳусусида 110

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.Қобилова, Н.Турсунова

Татаббулар силсиласи 118

П.Туропова

Услуб жилолари ёхуд адаб маҳорати 123

Д.Гуломов

Ретроспектив сюжет ҳусусида айрим мулоҳазалар 128

М.Махмудова

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлиги даврида сув иншоотлари ва боғдорчилик санъати 134

ТИЛШУНОСЛИК

Р.Сайфуллаева, Н.Ғайбуллаева

Тиббий эвфемизмларнинг социал ҳосланиши 138

Т.Эназаров, С.Ғаниева

Инглиз ва ўзбек тиллардаги аёллар исмларининг келиб чиқиши тарихидан 145

М.Мамажонов

Антропонимларни дискурс релевантси сифатида тадқиқ этишнинг лингво-этномаданий асослари 150

Ж.Абдуллаев

Тил қурилишининг асосий бирликлари академик Азим Ҳожиев талқинида 155

Д.Собирова

Ўзбек болалар шеърияти морфопоэтикаси 160

Д.Шокирова, Ш.Шокиров

Инглиз тилида "property-мулк" концепти тадқиқи 164

Н.Абдурахмонова

Ўзбек тили электрон корпуси учун матнлар репрезентативлиги масаласи 169

А.Мусоева

Cefr-нинг Ўзбекистон таълим тизимида жорий этилиши билан боғлиқ муаммолар 174

ТАРИХ

УДК: 93/99+612.605

ФАРГОНА ВОДИЙСИ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАРИХИННИНГ ЖАҲОН
ТЕМУРШУНОСЛИГИДА ЎРГАНИЛИШИ

ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ ПЕРИОДА ТИМУРИДОВ В
МИРОВОМ ТИМУРОВЕДЕНИИ

THE STUDY OF THE HISTORY OF THE FERGANA VALLEY IN THE TIMURID
PERIOD IN THE WORLD TEMUROLOGY

Усмонов Баҳриддин Аҳмедович¹

1Усмонов Баҳриддин Аҳмедович

– Фарона давлат университети тарих фанлари доктори, доцент.

Аннотация

Мақолада Амир Темур ва темурийлар даври тарихига бағишиланган жаҳон тарихшунослиги асарларда Фарона водийсининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини масаласи қай даражада ёритилганлиги таҳлил этилган. Темуршуносларнинг водий тарихига оид фикр ва мулоҳазаларига тарихий манбалар асосида муносабат билдирилган.

Аннотация

В статье проанализирована степень освещенности вопросов политической, экономической и культурной жизни Ферганской долины в произведениях мировой историографии, посвященных истории периода правления Амира Темура и тимуридов. На основе исторических источников выражено отношение к точкам зрения и рассуждениям темуроведов относительно истории долины.

Annotation

The article analyzes the degree of coverage of the issues of political, economic and cultural life of Fergana Valley in the works of the world historiography dedicated to the history of the reign of Amir Temur and the Timurids. On the basis of historical sources, the author expresses his attitude to the points of view and reasoning of the historians of the history of the valley.

Таянч сўз ва иборалар: Амир Темур, Мирзо Умаршайх, Мирзо Искандар, амир Худойдод Ҳусайнӣ, Мирзо Бобур, Мавароуннаҳр, Фарона, Андижон, Кошгар, Мўғалистон, Шарқий Туркистон, валиаҳд, ҳоким, доруга.

Ключевые словаи выражения: Амир Темур, Мирза Умаршайх, Мирзо Искандер, эмир Худайдад Ҳусейни, Мирза Бабур, Маверанаҳр, Фергана, Андижан, Кашигар, Моголистан, Восточный Туркестан, престолонаследник, наместник, даруга.

Key words and expressions: Amir Temur, Mirza Umarsheikh, Mirzo Iskander, Emir Khudaydad Husseini, Mirza Babur, Maverannahr, Fergana, Andijan, Kashgar, Mogolistan, East Turkestan, successor to the throne, governor, daruga.

Жаҳон тарихшунослигига Амир Темур ва темурийлар даври тарихи бир неча асрлардан бери кенг ўрганиб келинмоқда. Улар томонидан яратилган асарларда Темурийлар салтанати тарихига оид бир қатор масалалар жаҳон тарихининг бир қисми сифатида тадқиқ этилиб, илмий хуносалар билдирилган. Хорижий муаллифлар асосан Амир Темур ва сулоланинг бошқа йирик вакиллари шахси, марказлашган давлат барпо этилиши, ҳарбий юришлар, дипломатик муносабатлар, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий тараққиёт, темурий хукмдорлар ўртасидаги ўзаро урушлар оқибатида сепаратизмнинг кучайиб бориши каби масалаларига катта эътибор қаратганлар. Шу билан бирга, уларда Фарона

водийсининг ўрганилаётган давр тарихига оид баъзи қайдлар учрайди.

Жаҳон темуршунослигининг ривожига француз шарқшунослари катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Улардан бири Бартелеми д'Эрбелонинг "Par la Compagnie des Libraires" (Шарқ кутубхонаси) [1: 23] асарида Шарқ мамлакатлари тарихи ҳақида сўз юритилиб, Амир Темур тўғрисида ҳам ҳикоя қилинади[2: 877-889.]. Муаллиф Фарона ҳокими Мирзо Умаршайхнинг Амир Темур ва Тўхтамишон ўртасидаги бўлиб ўтган жанглардаги фаолиятига ҳам қисқача тўхталиб ўтган[2: 879-880].

Француз шарқшуноси Джозеф Де-Гиннинг "Historie generale des huns, des turcs, des mongols, et des autres tartars occidentaux." (Хунларнинг умумий тарихи...)

номли асари [1:8] 5 та жилдан иборат бўлиб, IV-V та жилдида Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Унда 1376 йилда мӯғул амири Қамариддиннинг Андиконга қилган ҳужумига эътибор қаратилган[3: 9-10.].

Француз тарихшунослигида Амир Темур тарихига оид тадқиқотлар орасида Л.Лянглэнинг “Темур ҳаёти” асари муҳим ўрин тутади. Асарга қизиқиш юқори бўлганлиги унинг XIX асрдаёқ рус тилига таржима қилиниб, нашр этилганидан сезилади. Муаллиф ўз тадқиқотида Амир Темур фаолиятининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган бўлса-да, ушбу даврда Фарғонада бўлиб ўтган тарихий воқеалар ҳақида сўз юритмаган[4].

Замонавий француз шарқшунослари Жан Поль Ру ва Р. Гроуссет мӯғулларнинг Фарғонага бостириб кириши ва Амир Темур томонидан уларга қарши олиб борилган кураш масалаларини ёритища айrim воқеаларни тарихий манбаларга ҳамоҳанг ҳолда тўғри ёритган бўлсалар, баъзан чалкашликларга ўйл қўйганлар[5: 423, 438; 6: 61-62]. Ҳар икки муаллиф Қамариддиннинг аслида 1376 йилда Фарғона водийсига қилган ҳужумини 1375 йилги воқеалар баёнида қайд этган [5:423; 6: 61-62; 7:133-136].

Р. Гроуссет Жан Поль Рудан фарқли равишда Мирзо Искандарнинг 1399-1400 йиллардаги Шарқий Туркистон юришига ҳам тўхталган. Лекин унинг мазкур юриши Амир Темур топширифи билан амалга оширилганлиги ҳақидаги фикрига қўшилиб бўлмайди [5:425-426; 6: 62-63]. Чунки Мирзо Искандар ўзбошимчалик билан юриш ташкил этганлиги учун жазоланган эди [8:226]. Р. Гроуссет Тўхтамишхоннинг 1387-1388 йилларда Мовароуннаҳрга қилган юришлари баёнида Мирзо Умаршайхнинг Ўтрор ёнида Олтин Ўрда қўшинига қарши жангга кириб, мағлуб бўлганлигига ҳам эътибор қаратган [5:438].

Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг иирик тадқиқотчиларидан бири Л.Кэрэн ўзининг “Tamerlan, l'empire du seigneur de fer” (Амир Темур салтанати) асарида Фарғона водийси тарихига оид баъзи масалаларга тўхталиб ўтган. Муаллиф Амир Темурнинг Мӯғулистон ҳукмдорларига қарши кураши Фарғона водийси ҳудудлари орқали олиб борилганлигига эътибор қаратади. Л. Кэрэн

ушбу масалаларни ёритища бир неча чалкашлик ва хатоларга йўл қўйган. Амир Темурнинг Мӯғулистон ҳукмдори Қамариддин билан 1376 йили бўлиб ўтган тўқнашувдаги тафсилотлар, 1375 йил жангларидаги воқеалар сифатида баён қилинган [9: 39]. Шунингдек, Тўхтамишхоннинг 1387-1388 йилларда Мовароуннаҳрга қилган босқинларида юқорида тилга олинган Қамариддин иштирок этганлиги хусусида фикрлар билдирилган[9: 61]. Аслида эса бу вақтда Қамариддин Дуғлат сиёсий фаолиятдан четлашган бўлиб, Мӯғулистон ҳукмдори Анқотўра эди [7:133-136].

Инглиз тилида ҳам Амир Темур тарихига бағишлиланган кўплаб илмий асарлар яратилган [10]. Улардан бири Хильда Хукхэмнинг “Tamburlaine the Conqueror” (“Саркарда Темур”) тадқиқоти бўлиб, тарихий манба ва илмий адабиётлар таҳлили асосида ёзилган. Асарда Фарғона билан боғлиқ баъзи воқеалар, жумладан, 1376 йилда Қамариддиннинг водийга бостириб кириши, Мирзо Умаршайх билан Тўхтамишхон лашкари ўртасида 1387-1388 йиллари бўлиб ўтган тўқнашувлар қисқа тарзда ёритилган [11:86,122]. Лекин Хильда Хукхэм Амир Темурнинг набираси ва валиаҳди бўлган шаҳзода Мирзо Муҳаммад Султонни Фарғона ҳокими, деб нотўғри маълумот беради [11:86,122].

Хориж тадқиқотлари орасида Беатрис Форбс Манцнинг Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига бағишлиланган асарларини алоҳида таъкидлаш ўринли [12;13;14;15]. Муаллиф “Амир Темур ҳукмронлиги ва унинг тараққий этиши” (The rise and rule of Tamerlane.) асарида [Муаллифнинг Амир Темур шахси ва давлатига нисбатан маданий-этник қарашлари ўзбек тарихшунослигида танқид қилинган. 16: 6-11] Амир Темур фаолиятининг Фарғона водийси билан боғлиқ баъзи жиҳатлари ҳақида сўз юритган. Амир Темур томонидан Мӯғулистонга қилинган юришлар мамлакатнинг шарқий чегаралари хавфсизлигини таъминлаш учун жуда муҳим эканлиги, 1376 йилги исёнда Андикон доруғаси ҳам қатнашгани, Фарғонага Мирзо Умаршайхнинг ҳоким этиб тайинланиши каби масалалар шулар жумласидандир[14: 62, 69]. Аммо баъзи ўринларда муаллиф янглиш фикрлар ҳам билдирган. Масалан, унинг 1376 йили

ТАРИХ

Фарғона билан бирга Кошғар вилояти ҳам Мирзо Умаршайх тасарруфидан бўлганлиги тўғрисидаги фикрига қўшилиб бўлмайди[14: 85]. Гарчи Амир Темур фармонига кўра Мирзо Умаршайх шу йили Кошғарни ҳам забт этган бўлса-да, бу темурийлар бошқараётган давлат таркибиға киритилмаган. Шунинг учун кейинчалик Кошғарга Мирзо Умаршайх ҳамда унинг ўғли Мирзо Искандар бошчилигидаги темурийлар қўшини бир неча бор юришлар қилган [8: 127, 225-226.]. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, муаллиф Амир Темур забт этилган худудларни икки қисмга бўлган. Биринчи қисм Фарғона, Хоразм, Хурросон, Эрон ва Ироқ ҳудудларидан иборат бўлиб, Амир Темур бу, худудларни ўз ҳокимиияти тасарруфига киритганлигини, иккинчи қисмдан ўрин олган Ҳиндистон, Анатолия, Сурия, Мўгулистан, Даشت Қипчоқни эса ўз таъсирида сақлаб турганлигини таъкидлаган[14: 90-91]. 1404 йилга қадар Кошғар иккинчи қисм таркибида бўлган[14: 87].

Беатрис Форбс Манцнинг “Темурийлар Эронида ҳокимиият, сиёsat ва дин”(Power, Politics and Religion in Timurid Iran.) асарида ҳам Фарғона водийси тарихига оид бир неча қизиқарли фикрлар учрайди [15: 26, 32-33].

Ҳ.Р.Ромер қаламига мансуб “Темур Эронда” номли тадқиқотда ҳам Фарғона водийсининг Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига оид баъзи маълумотлар мавжуд [17: 42-97]. Ундан Амир Темурнинг ўғли Мирзо Умаршайх ва Мирзо Султон Абу Саъид фарзанди Мирзо Умаршайхлар Фарғона вилоятида ҳокимлик қилганлиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолияти билан боғлиқ водийда содир бўлган айrim воқеалар ўрин олган[17: 118-120]. Лекин муаллифнинг 1402 йилда Халил Султонга Фарғонани бошқариш топширилганлиги ҳақидаги фикрини манбалар тасдиқламайди. Фикримизча, Ромер 1402 йилда Халил Султон Туркистон атрофларидағи Хитойга борадиган йўлларни муҳофаза қилиш учун юборилганлигидан келиб чиқиб, шундай хуносага келган[17: 100; 8: 262]. Лекин бу маълумот Халил Султоннинг Фарғона ҳокими бўлганлигини асосламайди.

Мария Субтелли ҳам Темурийлар даври тарихига оид тадқиқотлар олиб борган. У кўпроқ Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги мисолида бошқарув тизимидаги ўтроқ ҳамда кўчманчи ҳудудлар

давлатчилик анъаналарининг синтезлашув жараёнига эътибор қаратган[18].

Венгер олими Ҳ.Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” номи остида ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган асарида ҳам Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи кенг тадқиқ этилган. Лекин муаллиф Фарғона водийсида кечган тарихий жараёнлар ҳақида сўз юритмаган[19; 20]. Фақат бир ўринда “Андижондан Мирзо Умаршайхнинг ўғли Мирзо Бобур” Самарқанд таҳти учун даъвогар бўлиб чиққанлигини қайд этган[19: 70; 20: 263].

Темуршунослик Туркияда ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунга қадар турк тилида 362 та илмий иш эълон қилинганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир[21: 136-163]. Туркияда темуршуносликнинг тараққий этишига Исмоил Ака ўз тадқиқотлари билан катта ҳисса қўшган [22;23]. Муаллифнинг “Timur ve Devleti” (“Темур ва давлати”) асарида Фарғона водийси тарихига оид айrim фикрмуюҳазалар учрайди. Исмоил Ака Амир Темур томонидан олиб борилган марказлашган давлат тузиш борасидаги ҳаракатлар амир Одилшоҳ бошчилигидаги жалойирларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келганлигини баён этади. Мирзо Умаршайхнинг Андижон қўшини 1387 йили Ўтрор яқинида Тўхтамишхонга қарши жангда мағлуб бўлгани, Андижон, мўғул чегараларини тасарруф этиш Мирзо Искандарга топширилгани ва унинг оқибатларига тўхталиб ўтган. 1404 йили Хитой юриши олдидан шарқий вилоятлар Мирзо Шоҳруҳнинг ўғиллариға инъом этилгани, Фарғона ҳокими амир Худойдоднинг фаолияти, Мирзо Улуғбекнинг Андижон ва Ахси устига қилган юришлари каби масалалар қисқа тарзда баён қилинган[23: 8, 15, 31-32, 51- 56, 57-58].

Турк тарихшунослигига амалга оширилган бир қатор тадқиқотларда Амир Темур ва Темурийлар даври тарихининг айrim масалалари тадқиқ этилган бўлиб, уларда Фарғона водийси тарихига оид баъзи сиёсий воқеалар ҳам қайд этилган. Ушбу тадқиқотлар орасида Али Ризо Ёғлининг амир Худойдод Ҳусайнин тарихига бағишланган мақоласи Фарғона водийси тарихига кўпроқ тўхталганлиги билан ажралиб туради. Унда муаллиф XIV аср охири ва XV аср бошларидағи тарихий воқеаларнинг фаол иштирокчиси амир

Худойдод Ҳусайнининг водийдаги фаолияти юзасидан ўз мулоҳазаларини билдириган[24].

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Амир Темур ва темурийлар даври тарихига жаҳон илмий жамоатчилиги орасида қизиқиш жуда юқори бўлса-да, ушбу даврда Фарғона водийсида юз берган

сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Ўрганилаётган муаммонинг тарихчилар эътиборидан четда қолишига манбаларда Фарғона водийсининг мазкур даври бўйича маълумотларнинг камлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нодир китоблар коллекциясининг биринчи нашрида асарнинг русча таржимаси “Восточная библиотека”, деб берилган. Қаранг: Коллекция редких книг национальной библиотеки Узбекистана. (Выпуск 1). –Т., 2015.
2. D'herbelot. Par la compagnie des libraires. M. DC. XCVII. – Paris, 1697.
3. Joseph de Guignes. Historie generale des huns, des turcs, des mongols, et des autres tartars occidentaux. Vol IV. Paris, 1758.
4. Лянглэ Л. Жизнь Тимура // Лянглэ Л. Соч. / пер. с фр. Н.Суворов. –Т., 1890.
5. Grousset Rene. The Empire of the stappes. / Translated from the French by N. Walford - New Jersey: New Brunswick, 1970. (кейинги ўринларда – Grousset Rene. The Empire of the stappes.);
6. Жан-Поль Ру. Тамерлан. / Пер. с французского. Соколова Е.А. –М.: Молодая гвардия, 2012. (кейинги ўринларда – Жан-Поль Ру. Тамерлан.)
7. Истроилов Н.Р. Фарғонанинг Амир Темур даври тарихи француз тарихшунослари талқинида. // “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги ҳалқаро илмий конференция материаллари. – Илмий нашр. –Фарғона: ФДУ, 2019.
8. Шарафиддин Али Йаздий. Зафарнома. /Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А.Ахмад ва Ҳ.Бобобеков. –Т.: Шарқ, 1997.
9. Люсьен Кэрэн. Амир Темур салтанати. / Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Б. Эрматов –Т.: Маънавият, 1999.
10. Абиджонова Д.С. Маверанаҳр эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60 - 90-х годов XX в. Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Т.: ИИ АН РУз, 2000.
11. Хильда Ҳукҳэм. Властитель семи созвездий. / Пер. с англ. Г. Хидоятова. – Т.: Адолат, 1995.
12. Manz Beatrice Forbes. Adminstration and the delegation of Authority in Temurs Dominions. // Central Asiatic Journal. 1976. № XX. – Р.
13. Manz Beatrice Forbes.. The Ulus Chagatay before and after Temurs rise to power // Central Asiatic Journal. 1983. № XXVII.
14. Manz Beatrice Forbes. The rise and rule of Tamerlane. – Cambridge University Press, 1989
15. Manz Beatrice Forbes. Power, Politics and Religion in Timurid Iran – Cambridge University Press, 2007.
16. Ртвеладзе Э.В., Алимова Д.А. Исследовательские подходы к истории эпохи Темура и Темуридов (принципы работы над коллективной монографией).// Темурийлар даври ёзма меросининг тарқалиши ва ўрганилиши. VIII Республика илмий-амалий конференция материаллари. Темурийлар тарихи давлат музейи. Тошкент – 2015 йил 20 октябрь. 8-китоб. –Т.: «MASHUR-PRESS», 2016.
17. Roemer H.R. Timur in Iran // The Cambridge histore of Iran. Vol. 6. The Timurid and Safavid periods, ed. Peter Jackson and Laurence Lockhart. Cambridge: Cambridge University Press, 1986. – Р.
18. Subtelny Maria. Timurids in Transition. Turko-Persian Politics and Acculturation in Medieval Iran. Brill Academic Pub. 2007.
19. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. / Нашрга тайёрловчи Сирожиддин Сайид. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
20. Вамбери Г. История Бахары или Трансоксаній съ древнѣйшихъ временъ до настоящаго. Перевод А.И. Павловского. Томъ первый. С.-Петербургъ, 1873.
21. Kübra Tütmez. Timurlu Devleti Tarihine Dair Türkiye'de Yapılmış Çalışmalar Üzerine Bir Bibliyografya Denemesi. // Akademisyen Tarih ve Düşünce Dergisi Cilt:6 / Sayı:1. 2019. март. – ss.
22. İsmail Aka. Mirza Şahruh Zamanı (1405-1447), Ankara, Türk Tarih Kurumu, 1994.
23. İsmail Aka. Timur ve Devleti, Türk tarih kurumu basinevi—Ankara. 1991.
24. Ali Rıza Yağılı. Timurlu Devleti Emirleri. I-Barlas Boyu: Hudaydad Huseyni Barlas // Türk tarihine dair Yazilar III. – Ankara, 2018.